2026-YIL – MAHALLANI RIVOJLANTIRISH VA JAMIYATNI YUKSALTIRISH YILI

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 1-oktabr, payshanba

42 (9414)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, ўз ҳаётини дунёдаги энг улуғ ва шарафли ишга – ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган сиздек мўътабар зотларни, юртимиздаги барча педагог ходимларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда Янги Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти, қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марраларимиз, қалбимиздаги олижаноб фазилатларнинг безавол манбаларидан бири бу билим-маърифат, тарбия ва маданият эканини янада чуқур ҳис этамиз. Азиз фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялаб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча заҳматкаш муаллимларимизга, устоз-домлаларимизга самимий миннатдорлик билдириб, чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан таъзим қиламиз.

Қадрли юртдошлар!

Боғча ва мактаб остонасига илк бор қадам қўйган ҳар бир бола учун билимлар эшиги, мўъжизалар оламини очадиган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар тимсолида биз янги шахс, янги авлод тарбиячиларини кўрамиз. Шу йўлда шогирдларига кўз нури, юрак қўрини бериб меҳнат қиладиган, ўз касбига содиқ ва жонкуяр бундай инсонлар, ҳеч шубҳасиз, миллий педагогикамизнинг олтин фондини ташкил этади. Мен Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини айнан мана шундай фидойи устозлар фаолиятида, уларнинг касб маҳорати, қалб саховатида кўраман.

Мактаб келажак боғи бўлса, муаллим шу масканда умид ниҳолларини ўстирадиган моҳир боғбондир. Ўқитувчи – меҳр дарёси, эзгулик булоғи, маърифат қуёшидир. Шу боис, бу масъулиятли соҳа ходимларининг меҳнатини улуғлаш ва қадрлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда эришаётган, ҳавас қилса арзийдиган натижаларимиз орасида таълим йўналишидаги ютуқларимиз биз учун алоҳида қадрли десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки бундан атиги ўн йил олдин ижтимоий ҳаётимизда ғоят оғир, ота-оналарни энг қийнайдиган соҳа – айнан таълим-тарбия соҳаси, энг камситилган касб эгаси эса ўқитувчилар эди. Сизлар билан бирга қаттиқ ишлаб, қанча-қанча муаммоларни ҳал қилдик, олдимизда турган тўсиқ-ғовларни бартараф этдик. Ҳозирги вақтда таълим соҳаси жадал ривожланаётган соҳага, ўқитувчилик эса обрў-эътиборли касбга айланмоқда.

Буни қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 40 минг ўқитувчи 1 минг доллар, уларнинг 1 минг 500 нафари 2 минг доллардан зиёд миқдорда маош олмоқда. Жорий йил янги форматда ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танловининг 208 нафар туман ва шаҳар босқичи ғолибларига илк бор 616 миллион сўмдан мукофот берилди. Бундай рағбатлантириш механизмлари келгуси йилда боғча тарбиячилари ва техникум усталари фаолиятига ҳам жорий этилади.

Сўнгги ўн йилда юртимизда 1 миллион 800 минг ўринли боғча, 1 миллион 500 ўринли мактаблар барпо этганимиз, 10 мингдан зиёд боғча ва мактабни замонавий кўринишга келтирганимиз тарихимизда мисли кўрилмаган натижалардир. Президент, ихтисослашган ва ижод мактаблари каби мутлақо янги намунадаги таълим даргоҳлари пайдо бўлгани, олий ўқув юртлари сони 77 тадан 205 тага ўсиб, улардаги қамров 45 фоизга етгани ҳам албатта катта ижобий ўзгаришдир.

Соҳада хусусий сектор изчил ривожланиб, соғлом рақобат муҳити шаклланмоқда. Энг муҳими, ана шундай шароитда ишлаш, билим ва малакасини ошириш ҳамда намоён этишга қодир бўлган янги педагоглар авлоди майдонга чиқмоқда.

Таълим ислоҳоти йўлидаги бундай улкан ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Табиийки, буларнинг барчаси ўқув-тарбия ишларининг сифати ва самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, 2026 йилда юртимиз ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 228 та медални қўлга киритгани, жумладан, мамлакатимизда бўлиб ўтган халқаро кимё ва информатика олимпиадаларида ўғил-қизларимиз юқори ўринларни эгаллагани ғоят қувонарлидир.

Бир неча кун олдин қадимий Самарқанд шаҳрида якунига етган Бутунжаҳон шахмат ҳамда парашахмат олимпиадаларида ғолиб ва совриндор бўлиб, Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этган азамат ёшларимизнинг том маънода тарихий ютуқларни қўлга киритишида сизларнинг ҳиссангиз беқиёс эканини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу йил ўқувчилик даврида хорижий тил ва фан сертификатига эга бўлган фарзандларимиз сони 100 минг нафарга етди, 5 мингга яқин мактаб битирувчиси эса олийгоҳларга киришда энг юқори балл тўплади.

Нуфузли PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчиларимиз табиий фанларни ўзлаштириш бўйича 32 поғона юқори кўтарилиб, 48-ўринни эгаллагани ҳам эътиборга лойиқ, албатта.

Олийгоҳларимиздаги 185 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтгани, хорижий университетлар билан ҳамкорликда 441 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилгани ҳам салмоқли кўрсаткичдир.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз келгуси ўн йилни мамлакатимиз учун миллий юксалиш даври сифатида белгилаб, олдимизга янада улкан мақсадлар қўймоқдамиз.

Миллий юксалишнинг таянч асоси – мактаб, техникум ва олийгоҳлар эканини сиз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Шу боис, бу борада биз, аввало, сизларга – муҳтарам устоз ва мураббийларимизга таянамиз. Таълим-тарбия тизими вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда шу йўналишда олдимизда турган долзарб вазифалар ва уларнинг ечимлари ҳақида атрофлича гаплашиб олдик.

Илғор педагогларни рағбатлантириш мақсадида Абдулла Авлоний номидаги давлат мукофотини таъсис этишга қарор қилдик. Ҳеч шубҳасиз, бундай мукофот сизларни янада катта ютуқ ва марраларга илҳомлантиради, деб ишонаман.

Фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси ва ғурур туйғусини кучайтириш, уларни тарихимиз ва маданиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни энди оилада ҳам, маҳалла, мактаб, техникум ва олийгоҳларда ҳам янгича ташкил этамиз. Бунда ҳозирги ғоят мураккаб замон талабларини қатъий ҳисобга олишимиз зарур. “Ёш авлод тарбияси – бутун жамиятнинг муқаддас бурчи, вазифаси” деган эзгу ғоя ҳар биримизнинг юрагимизда акс садо бериб, кундалик ҳаётимиз мезони, мазмунига айланиши шарт.

Янги Ўзбекистон ёшларини “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деб яшайдиган авлод сифатида камол топтиришнинг беқиёс аҳамиятини яхши тушунадиган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар бой билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингиз билан бу жараёнларда фаол иштирок этасиз деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайман.

Ғоят шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда доимо зафарлар ёр бўлсин, азиз устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ФАРҒОНА ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Яқинда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги расмийлар ва тадбиркорлардан иборат делегация Жанубий Кореяда хизмат сафарида бўлиб қайтди.





Ташрифдан кўзланган асосий мақсад, ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш ҳамда таълим соҳасида ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Сафар дастури доирасида Сеул, Гоянг, Инчеон ва Гангсо шаҳарларида бир қатор учрашувлар, форумлар ва бизнес-мулоқотлар ташкил этилди.

Ташрифда эътиборни тортадиган жиҳат шундаки, учрашувлар фақат танишув ва фикр алмашиш билан чекланмади. Таълимдан тортиб юқори технологияларгача, инвестиция ва саноатдан қишлоқ хўжалигигача бўлган кўплаб йўналишларда ҳамкорликнинг аниқ механизмлари муҳокама қилинди, ишчи гуруҳлар тузиш, “йўл хариталари” ишлаб чиқиш, меморандумлар имзолаш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

Бугун дунёда иқтисодий тараққиётни замонавий билим ва малакали кадрларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан, Фарғона делегациясининг Кореядаги учрашувларида таълим ва инсон капитали масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Делегациянинг сафари Сеул шаҳридаги SeoulTech университетидан бошланди. Университет раҳбари SeoulTech раҳбари Ким Донг Хван билан учрашувда сунъий интеллект ва ахборот технологиялари бўйича ҳамкорлик, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, замонавий технологиялар марказлари фаолиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Фарғона давлат техника университети билан қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари кўриб чиқилди.

Жунгбу университети билан ҳамкорлик эса бу йўналишнинг амалий ифодаларидан бири сифатида намоён бўлди. Айни пайтда ушбу университетда Фарғонадан 127 нафар талаба 2+2 дастури асосида таҳсил олмоқда. Бундан ташқари, кореялик AHA компаниясида Фарғона ёшларидан 12 нафари меҳнат қилаётгани, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кучайтириш имконияти борлигини кўрсатади.

Демак, таълим соҳасидаги ҳамкорлик фақат талабалар алмашинуви билан чекланмай, қўшма дастурлар, илмий изланишлар, мутахассислар тайёрлаш ва битирувчиларни замонавий иш ўринларига йўналтириш каби кенг қамровли жараёнга айланиши мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ИЛМ ВА ИЗЛАНИШГА БАХШИДА УМР

Устозлик – инсон тақдирига дахлдор, келажак авлод камолотига хизмат қиладиган шарафли ва масъулиятли касб. Бу касбда йиллар эмас, элга берган меҳр, шогирдлар қалбига сингдирилган билим ва тарбия, эзгу ишлар самараси билан умр ўлчанади.

Балиқчи туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Саодатхон Акбарова ана шундай фидойи устозлардан биридир.

Унинг педагогик фаолиятига 37 йилдан ошди. 1987 йилдан буён бошланғич таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган устоз шу йиллар давомида ўзининг бой тажрибаси, изланувчанлиги ва касбига садоқати билан кўплаб шогирдлар қалбида илмга меҳр уйғотди.

Саодатхон опанинг меҳнатлари муносиб эътироф этилган. У “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган. 2019 йилда ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги фидокорона меҳнати учун 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан мана шундай юксак давлат мукофотига сазовор бўлди.



Саодатхон Акбарова учун ўқитувчилик фақат дарс ўтишдан иборат эмас. У ҳар бир дарсни боланинг қизиқиши, тасаввури ва мустақил фикрлашини ривожлантириш имконияти деб билади. Шу боис у замонавий педагогик технологиялар, инновацион усул ва методларни мунтазам ўрганиб, амалиётга татбиқ этиб келмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)





ПАХТА ЕТИШТИРИШДА “ШИНЖОН” УСУЛИ

унинг афзалликлари нималарда кўринади?

Хитой ҳозирги кунда дунёда энг кўп пахта ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қилишда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Йилига 17 млн. тонна (6,1 миллион тонна тола) пахта хомашёси етиштиради. Хитой пахтасининг 87 фоизи Шинжон-Уйғур автоном вилоятида етиштирилади. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 55-70 центнерни (айрим илғор хўжаликларда 80 центнердан юқори) ташкил қилади ва пахта ҳосилдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Хитой селекционер олимлари томонидан яратилган, толасининг сифати пишиқ бўлган, касаллик ва ҳашаротларга чидамли, машина теримига мўлжалланган, стандарт талабларига тўла жавоб берадиган “MG-02”, “MG-26”, “Xin Lu Zao-52”, “Xin Lu Zao-78”, “Xin Lu Zhong-73”, “Hongtai-6636”, “Xin Lu Zao-57”, “Zhongmian-88”, “Chjuntay-2”, “T-115” каби юқори ҳосилли, ўрта толали ғўза навлари экиб келинмоқда.

Хитойда ғўза жуда зич қилиб жойлаштирилади (гектарига 220-240 минг тупгача). Ғўзанинг бўйи баланд бўлмайди, ғўза навлари тез ҳосилга киради ва кўсаклари бир вақтда очилади. Чигит плёнка остига жуда зич қилиб, қўшқатор усулида, 76x10-11-1 схемада 220-240 минг туп/га. кўчат қалинлигида экилади ва томчилатиб суғориш технологияси асосида етиштирилади. Ушбу усул “Шинжон” усули ҳам деб юритилади. “Шинжон” усули жорий қилинадиган майдонларда сув ва электр энергияси таъминоти яхши бўлиши керак. Тупроқнинг шўрланиш даражаси ва сизот сувлари сатҳини билиш ҳамда ушбу технологияни жорий этиш учун ишчи кучи етарли бўлиши зарур.

Хитой ғўза навларига зараркунанда ва ҳашаротлар узоқ йиллар зарар келтиргандан кейин 90-йилларга келиб, хитойлик олимлар ғўзанинг Bt генли навининг биринчи авлодини яратишга муваффақ бўлганлар. Бугунги кунда эса пахта майдонларининг деярли барчасига генетик жиҳатдан ўзгартирилган трансген навлар экилади. Хитойнинг трансген ғўза навлари ва уларнинг асосий хусусиятлари қуйидаги йўналишларга бўлинади:

1. Зараркунандаларга чидамли навлар. Ушбу ғўза навларига махсус тупроқ бактериясининг гени киритилган бўлиб, улар кўсак қуртига қарши табиий заҳар (токсин) ишлаб чиқаради. Бунинг натижасида кимёвий пестицидларни қўллаш ҳажми 60-80 фоизга камаяди.

(Давоми 2-саҳифада)

“Биз аллақачон инсониятнинг энг йирик фожиаларидан бири – Орол денгизи қуриши оқибатларини бошдан кечирмоқдамиз”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ОРОЛБЎЙИ КЕЛАЖАГИ: ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ, СУВ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК ТИКЛАНИШ

Орол денгизи ҳавзасида аҳоли ҳаёти ва табиий муҳитнинг ҳолати сув ресурсларига бевосита боғлиқ. Орол денгизининг қуриши ва сув сатҳининг кескин пасайиши натижасида денгиз бир нечта қисмларга, жумладан, Шимолий ва Катта Оролга ажралиб кетди.



Уларнинг табиий-географик ва гидрологик шароитлари бир-биридан фарқ қилгани боис, сув ресурсларини бошқариш ва экологик барқарорликни таъминлаш бўйича ҳудудлар кесимида турлича ёндашувлар шаклланди. Жумладан, Қозоғистон ҳудудидаги табиий рельеф хусусиятлари Сирдарё оқимини Шимолий Орол ҳавзасида ушлаб қолиш ва сув ресурсларини тўплаш имконини берди. Ўзбекистон ҳудудида эса Катта Оролни аввалги ҳолатигача тўлиқ сув билан тўлдириш имконияти мавжуд эмаслиги, шунингдек, ҳудуднинг рельефи ва мавжуд гидрологик шароитларидан келиб чиқиб, бошқа стратегик ёндашув танланди. Хусусан, қуйи Амударёдаги табиий ботиқликлар ва мавжуд сув ресурсларидан фойдаланган ҳолда кичик кўллар, сув-ботқоқ ҳудудлари ҳамда бошқариладиган сув ҳавзалари тизими шакллантирилди.

Бундай ёндашувнинг асосий мақсади сувни ягона йирик ҳавзада жамлашдан кўра, мавжуд сув ресурсларини ҳудуд бўйлаб самарали тақсимлаш, сув экотизимларини сақлаб қолиш ва маҳаллий аҳоли ҳамда табиий муҳит эҳтиёжларини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, кичик сув ҳавзаларининг ташкил этилиши қуриган Орол денгизи тубидан кўтариладиган чанг ва туз чангларининг тарқалишини камайтириш, биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда Оролбўйидаги ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Жанубий Кореяга ташрифни бир нечта учрашувлар мажмуаси сифатида эмас, Фарғона вилоятининг янги ҳамкорлик майдонларини излашга қаратилган амалий мулоқотлар жараёни сифатида баҳолаш мумкин

ОРОЛБЎЙИ КЕЛАЖАГИ: ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ, СУВ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК ТИКЛАНИШ



Биродаржон БУРҲОНЖОНОВ,
Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги раҳбари.

(Боши 1-саҳифада)

Барпо этилган кичик кўллар ҳамда сув ҳавзалари маҳаллий аҳолининг, айниқса, чорвачилик ва балиқчилик билан боғлиқ бандлиги ҳамда даромад манбаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, улар балиқлар ва сув қушлари учун яшаш ва кўпайиш муҳитини сақлаб, Оролбўйи биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилишга қаратилган.

Қуйи Амударёдаги мазкур тизимга кирувчи еттита ҳавзанинг лойиҳавий сув сиғими 3,48 млрд м³ни ташкил. Жорий йилнинг сентябрь ойига қадар мазкур кўлларнинг ўзига 742 млн м³ сув йўналтирилди.

Бундан ташқари, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси лойиҳалари доирасида кўлларнинг сув таъминотини яхшилаш ва Оролбўйидаги экологик хатарларни камайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Мақпалкўлда ҳимоя дамбаси ва сув чиқариш иншооти қурилмоқда. Лойиҳа якунлангач, кўлда 70 млн м³гача сув сақлаш ҳамда сув чиқариш жараёнини бошқариш имконияти яратилади. Бу балиқчиликни ривожлантириш, маҳаллий аҳоли даромад манбаларини кенгайтириш, шунингдек, сув жонзотлари ва қушларнинг яшаш муҳитини сақлашга хизмат қилади.

Даркеш ўзанида сув ўтказиш қобилиятини тиклаш ва оқимни тартибга солишга қаратилган реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Натижада, кўллар тизимига сув етказиш ҳамда мавжуд сув ресурсларини бошқариш имкониятлари яхшиланиши кутилмоқда.

Аққум ҳудудида маҳаллий дарахт ва буталардан ҳимоя тўқайзорларини барпо этишнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Кўчатлар экилиб, кўчма қумларни ушлаб қолувчи механик тўсиқлар ўрнатилмоқда. Бу чоралар Судочье кўли ва унга туташ ҳудудларда қум кўчиши, шунингдек, шамол таъсирида туз ва чанг тарқалишини камайтиришга қаратилган. Кейинги босқичларда ҳимоя ўсимликлари майдонини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Президентимиз 2023 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида “Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда”, дея таъкидлади. Хусусан, давлат раҳбари ташаббуси билан 2018 йил декабридан бошлаб Орол денгизининг қуриган тубида саксовул ва бошқа чўл ўсимликларини оммавий экиш ишлари амалга оширилмоқда.

2018-2026 йилларда 2 млн. гектардан ортиқ майдонда яшил қопламалар барпо этилди. Бу ишлар қумларни мустаҳкамлаш, шамол таъсирида туз ва чанг тарқалишини камайтириш, Оролбўйи аҳолисининг саломатлигига ва яшаш муҳитига таъсир этувчи экологик хатарларни юмшатишга қаратилган.

Оролбўйида экологик тикланиш ишларини илмий асосда ташкил этиш ва ҳудуд шароитига мос технологияларни жорий қилиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йилда Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Ҳозирда Марказда шўрланган ерлар ва деградацияга учраган яйловларни тиклаш, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни синовдан ўтказиш, сув ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу фаолият аҳолининг иқлим ўзгаришига мослашувчанлигини ошириш, даромад имкониятларини кенгайтириш ва ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Президентимиз Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасида Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш ва сув хавфсизлигини таъминлашга доир қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Жумладан, 2023 йил 15 сентябрда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашида “Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тобора чуқурлашиб бораверади”, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, Орол ҳавзасидаги экологик барқарорлик сув ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шу сабабли ирригация тармоқларини модернизация қилиш, каналларни бетонлаштириш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020-2025 йилларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 870 километр канал бетонлаштирилди. 2026 йилда яна 1 300 километр йирик каналларни бетонлаштириш режалаштирилган. Бу тадбирлар сувнинг ерга сингиб йўқолишини камайтириш, тармоқларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва истеъмолчиларга сувни барқарор етказиб беришга хизмат қилади.

Сувни тежаш билан бирга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. 2017-2026 йилларда 7 160 километр коллектор-дренаж тармоғи қурилди ва реконструкция қилинди, 127,8 минг километр тармоқда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Мазкур тадбирлар сизот сувлари сатҳини тартибга солиш, ортиқча сув ва тузларни дренаж орқали чиқариш ҳамда тупроқнинг қайта шўрланиш хавфини камайтиришга қаратилган. Бу эса ер унумдорлигини сақлаш, экинларнинг ўсиши учун қулай шароит яратиш ва фермер хўжаликлари даромадининг барқарорлигига хизмат қилади.

Сув ҳисобини рақамлаштириш доирасида жорий йил ҳолатига кўра, сув олиш нуқталарига 13 мингдан ортиқ “Ақлли сув” қурилмаси ўрнатилди. Уларнинг сонини 2030 йилга қадар 18 мингтага етказиш режалаштирилган. Мазкур қурилмалар сув сарфини масофадан кузатиш ва ҳисобга олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Келгусида уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ўлчовлар аниқлигини ошириш ҳамда тўпланган маълумотлар асосида сув тақсимотини янада такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолади.

Ҳозирда Жанубий Оролбўйидаги кўллар ва кичик сув ҳавзалари мониторингини рақамлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бу доирада ҳавзаларга келиб тушадиган сув ҳажми, сув сатҳи ва сифат кўрсаткичларини автоматик кузатиш ҳамда маълумотларни ягона рақамли платформада жамлаш назарда тутилган. Мазкур тизим сув тақсимотини аниқ маълумотлар асосида бошқариш, кўлларнинг экологик ҳолатидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва сув таъминотини режалаштириш имконини беради.

Жорий йил 22 апрель куни Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2027-2029 йилларга жамғарма Президенти этиб сайланди.

Йиғилишда Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, экологик ва ижтимоий лойиҳаларга халқаро молиявий ресурсларни жалб этиш, лойиҳалар натижадорлигини ошириш ҳамда сув тежовчи технологияларни кенгайтиришга доир аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Уларнинг изчил амалга оширилиши Оролбўйида сув таъминотини яхшилаш, табиий экотизимларни сақлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун янги имкониятлар яратади. Оролбўйининг барқарор келажаги Амударё ва Сирдарё сувларидан оқилона ва тежамкор фойдаланиш, аҳоли ва табиат эҳтиёжлари ўртасида мувозанатни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга боғлиқ. Бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги экотизимлар ҳолати ва аҳолининг турмуш сифатини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ФАРҒОНА ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



(Боши 1-саҳифада)

Инвестиция учун янги имкониятлар

Ташрифнинг муҳим йўналишларидан бири Корея бизнес доиралари билан бевосита мулоқотларни кучайтириш бўлди.

Гоянг шаҳрида ўтказилган учрашувларда савдо, инвестиция, таълим ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниб, келгусида амалга ошириладиган ишлар учун ишчи гуруҳ тузиш ва “йўл харитаси” ишлаб чиқишга келишилди. Шунингдек, кореялик бир қатор компаниялар Фарғона вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирди. Хусусан, “Wonvain”, “Euro Rent-a-Car”, “Geumchang Development”, “KSW” ва бошқа компаниялар билан энергетика, саноат, қурилиш, косметика каби йўналишларда таклифлар кўриб чиқилди.

Тўқимачилик ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи “ShinWon Corporation” билан музокараларда ҳам қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди.

Бу мулоқотларнинг аҳамияти шундаки, Фарғона учун хорижий инвестиция фақат маблағ кириб келишидан ташқари янги технология, бошқарув тажрибаси, экспорт бозорлари ва малакали кадрлар учун янги имкониятларни ҳам англатади.

Жанубий Корея билан ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши рақамли технологиялар ва инновациялар.

Делегация “EXEM” компанияси фаолияти билан танишди. Компания IT-инфратузилма, маълумотлар базасини мониторинг қилиш, сунъий интеллект, Big Data, булутли технологиялар ва IT-мониторинг соҳаларида иш олиб боради.

LG Innovation Gallery ташрифи давомида эса сунъий интеллект, робототехника, OLED технологиялари, “ақлли уй”, буюмлар интернети, уланган автомобиллар ва биотехнология соҳаларидаги ечимлар намойиш этилди.

Корея Венчур бизнес ассоциацияси – KOVA билан учрашув ҳам шу жиҳатдан аҳамиятли. Ассоциация венчур бизнес, стартаплар, IT ва инновацион лойиҳалар соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятларини муҳокама қилди.

Сеонгнам шаҳридаги Pangyo Techno Valley тажрибаси эса бу йўналишнинг кўламини янада яққол кўрсатди. Мазкур технологик кластерда IT, сунъий интеллект, яримўтказгичлар, биотехнология, ўйин индустрияси, телекоммуникация, электроника ва финтех соҳаларида фаолият юритувчи компаниялар жамланган. Бу ерда 1780 та компания ва 83 мингдан зиёд ходим ишлайди. Фарғоналик тадбиркорлар иштирокида бизнес-форум ўтказилиб, тўғридан-тўғри ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди.

Яримўтказгичлар соҳасида фаолият юритувчи SIVC марказида чипларни лойиҳалаш, синовдан ўтказиш, прототип яратиш ва тижоратлаштириш жараёнлари билан танишилди.

Бу тажрибалар Фарғонада рақамли иқтисодиёт, стартаплар ва юқори технологияларга асосланган янги лойиҳаларни ривожлантириш учун ҳамкорлик имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқаришда Корея тажрибаси

Сафар доирасида саноат ва ишлаб чиқариш йўналишида ҳам қатор мулоқотлар ўтказилди.

“AHA” компанияси билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниб, компаниянинг электрон ва интерактив доска, рақамли минбар, таълим технологиялари, ҳавони тозалаш ва электр транспорт воситалари учун зарядлаш тизимлари каби маҳсулотлари ҳақида маълумот берилди. Компаниянинг Фарғонадаги лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, “Samyoung Material Inspection Technology”, “Korea Health Certification Association”, “Chalgomu Key Board”, “KINGDOM GLOBAL” каби компаниялар билан косметика ишлаб чиқариш ва мутахассислар тайёрлаш, резина маҳсулотлари, технологик ускуналарга хизмат кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

Сеонгнам шаҳрида ўтказилган кўргазма ва B2B учрашувларда косметика, тиббиёт, автомобилсозлик, сунъий интеллект, таълим технологиялари ва логистика соҳаларида фаолият юритувчи компаниялар билан музокаралар олиб борилди. Қатор компаниялар билан қўшма лойиҳалар бўйича келишувларга эришилди.

Умуман, ташриф давомида ҳудудлараро ҳамда компанияларо ўндан ортиқ меморандумлар имзолангани ҳам ҳамкорликнинг амалий тус олаётганини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида янги технологиялар

Фарғона вилояти учун муҳим йўналишлардан бири бўлган қишлоқ хўжалиги масаласи ҳам эътибордан четда қолмади.

“GH EnA Co.” компанияси раҳбари Пак Жи Хонг билан учрашувда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ишлайдиган замонавий иссиқхона лойиҳаси муҳокама қилинди. Энергия тежамкор технологиялардан фойдаланишга асосланган ушбу тажрибани Фарғона шароитида қўллаш имкониятлари кўриб чиқилди.



Нонсан шаҳрида эса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида урғу берилди. Нонсан қишлоқ хўжалиги, саноат ва туризм йўналишларини уйғун ривожлантираётган ҳудудлардан бири бўлиб, айниқса, қулупнайчилик соҳасидаги тажрибаси билан ажралиб туради. Шаҳарда 2027 йилда Нонсан Жаҳон қулупнай саноати кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган.

Учрашувда Фарғонада кўчатчилик ва интенсив етиштириш марказини ташкил этиш, мутахассислар стажировкасини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш таклифлари билдирилди.

Бу каби лойиҳаларнинг аҳамияти шундаки, замонавий агротехнологияларни маҳаллий шароитга мослаштириш орқали ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш имкони пайдо бўлади.

Ҳудудлараро ҳамкорликнинг янги модели

Фарғона вилоятининг Корея ҳудудлари билан алоқалари ҳам ташриф давомида янги мазмун билан бойитилди.

Инчеон шаҳри билан ҳамкорлик алоқалари аввалдан шаклланган бўлиб, 2022 йилда тегишли келишув имзоланган. Бу галги мулоқотларда тўғридан-тўғри бизнес алоқаларини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш ва мунтазам мулоқотларни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Гангсо туманида эса Магок инновацион кластери фаолияти билан танишилди. У ерда юқори технологиялар, илмий-тадқиқот ва инновацион бизнесни ривожлантириш учун яратилган муҳит Фарғона учун ҳам қизиқарли тажриба сифатида кўриб чиқилди.

Сеулда ўтказилган биринчи Ўзбекистон–Корея ҳудудлараро ҳамкорлик форумида ҳам вилоятлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кучайтириш, савдо ва инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Форумда Фарғонанинг юқори технологиялар, саноат, таълим, тиббиёт ва туризм соҳаларидаги имкониятлари тақдим этилди.

Форум доирасида Фарғона вилояти маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг экспорт салоҳияти намойиш этилди.

Экспорт учун логистик кўприк

Корея бозорига чиқишда ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас. Маҳсулотни етказиб бериш, божхона ва логистика жараёнларини тўғри ташкил этиш ҳам муҳим. Шу нуқтаи назардан, Инчеон аэропортидаги божхона омбори билан боғлиқ лойиҳа эътиборга молик. “Koreta” компанияси Фарғона тадбиркорлари Абдувоҳид Қодиров ва Жавоҳирбек Валиев томонидан ташкил этилган бўлиб, Инчеонда минг квадрат метр майдондаги омбор орқали Ўзбекистондан Кореяга юкларни қабул қилиш, божхона ва логистика жараёнларини енгиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бундай инфратузилманинг мавжудлиги Фарғонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Корея бозорига олиб чиқишда амалий имкониятларни кенгайтиради.



Футбол – халқларни яқинлаштирувчи кўприк

Сафар давомида иқтисодий ва таълимий ҳамкорлик билан бир қаторда спорт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Пажу шаҳридаги Миллий футбол маркази фаолияти билан танишилди. “Пажу Frontier” футбол клуби жорий йилдан K League 2 мусобақаларида иштирок этиши режалаштирилган. Пажу шаҳри футбол инфратузилмасини ривожлантириш учун 4,5 миллион доллар маблағ ажратган. Шунингдек, “Нефтчи” ва Paju Frontier ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар футболни нафақат спорт, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик воситаси сифатида ҳам ривожлантиришга келишиб, “Нефтчи” ва “Paju Frontier” ўртасида меморандум имзолади. Кореяда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ёшлардан ташкил топган “Neftchi Korea” жамоаси билан ҳам алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Бу жамоа ёшларининг футболдаги фаоллиги ҳам эътиборга молик. Шу йил июнь ойида ўтказилган Good Neighbor Tournament мусобақасида саккиз жамоа орасида биринчи ўринни эгаллаган “Neftchi Korea” кейинчалик Сеул лигасида ҳам иштирок этди. “Paju Frontier”нинг ҳаваскорлар жамоасига қарши учрашувда 7:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ҳамкорликнинг амалий натижаси: келишувдан лойиҳагача

Умуман олганда, Жанубий Кореяга ташрифни бир нечта учрашувлар мажмуаси сифатида эмас, Фарғона вилоятининг янги ҳамкорлик майдонларини излашга қаратилган амалий мулоқотлар жараёни сифатида баҳолаш мумкин.

Сафар давомида таълим ва илмий тадқиқотлардан тортиб сунъий интеллект ва юқори технологияларгача, саноат ва инвестициядан қишлоқ хўжалиги, экспорт логистикаси ва спортгача бўлган йўналишларда алоқалар муҳокама қилинди. Гоянг, Инчеон, Гангсо, Сеонгнам ва Нонсан каби ҳудудлар билан ҳамкорликнинг янги механизмлари кўриб чиқилди. Корея компаниялари билан эса қўшма лойиҳалар, инвестиция ва технологик ҳамкорлик бўйича музокаралар ўтказилди.

Энг муҳими, ташриф давомида қатор меморандумлар имзоланиб, кейинги босқичда ишчи гуруҳлар орқали келишувларни амалий лойиҳаларга айлантириш вазифаси белгиланди.

Сафар жараёнлари Кореянинг “News Chain G”, “Money Today”, “GPN” каби нашрларида ҳам кенг ёритилди.

Бугун Фарғона олдида турган вазифалар – янги инвестицияларни жалб этиш, экспорт географиясини кенгайтириш, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга олиб кириш, замонавий мутахассисларни тайёрлаш ва маҳаллий тадбиркорларни халқаро бозорларга олиб чиқишдан иборат. Жанубий Корея билан ҳамкорлик эса ана шу йўналишларнинг ҳар бири бўйича янги имкониятларни очиши мумкин.

Шу маънода, мазкур ташрифни “учрашувлар сафари”дан кўра, Фарғона ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни аниқ лойиҳалар, технологиялар, инвестициялар ва инсон капитали орқали янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қадам сифатида кўриш мумкин.

Эндиликда асосий вазифа – эришилган келишувларни изчил давом эттириш, ҳар бир меморандум ортида аниқ лойиҳа пайдо бўлишини таъминлаш ва Корея тажрибасини Фарғона шароитига мос равишда самарали татбиқ этишдир. Шунда бугунги мулоқотлар эртанги янги корхоналар, замонавий иш ўринлари, экспортбоп маҳсулотлар, билимли кадрлар ва юқори технологияларга асосланган лойиҳаларга айланади.

Шоҳидбек АСЛОНОВ,
Алишер ШОКИРОВ

ПАХТА ЕТИШТИРИШДА “ШИНЖОН” УСУЛИ

унинг афзалликлари нималарда кўринади?

(Боши 1-саҳифада)

2. Гербицидларга чидамли навлар. Хитойликлар узоқ вақт давомида фақат ҳашаротларга чидамли ГМО пахта экканбўлса, сўнгги йилларда бегона ўтларга қарши курашишни осонлаштирадиган глифосат (гербицид) таъсирига мутлақо чидамли генлар киритилган навлар экилмоқда.

3. Иқлим ва касалликларга чидамли навлар. Хитой олимлари нафақат ҳашаротлар, балки касалликлар ва қурғоқчиликка қарши курашувчи янги трансген навларни ҳам ишлаб чиқмоқдалар. Жорий йилнинг баҳорида Хитой Фанлар академияси олимлари чўл моҳидан олинган стрессга чидамлилик генини ғўзага муваффақиятли кўчиришди. Ушбу янги трансген ғўзанинг вилт касаллигига юқори чидамлилигини кўрсатди ва ҳосилдорлик 23,8 фоизга ошиши исботланди.

Хитойда ғўза навлари киритилган генлар сонига қараб авлодларга бўлинади. Биринчи авлод фақат кўсак қуртига қарши чидамли ген киритилган навлар бўлса, иккинчи авлод кўсак қурти ва гербицидга қарши чидамли генлар киритилган авлоддир. Учинчи авлод турли ҳашаротларга қарши чидамлиликни таъминлайдиган учта ген киритилган навлар, тўртинчи авлод эса, зараркунандалар, касалликлар ва ташқи муҳитнинг стресс омилларига (қурғоқчиликка, шўрга) чидамлиликни таъминлайдиган тўртта ген киритилган навлардир Плёнка остига чигит экиш ва томчилатиб суғориш: GPS ва Beidou навигация тизимига уланган тракторлар ёрдамида плёнка тўшаш, шланг узатиш ва чигит экиш бир вақтда аниқлик билан бажарилади. Чигит экиш билан бирга ер юзасига махсус полиэтилен плёнка ва унинг остидан томчилатиб суғориш шланглари





тўшалади. Бу усул сувни 40-50 фоизгача тежайди, бегона ўтлар кўпайишининг олдини олади ва тупроқ ҳароратини иссиқ сақлайди. Чигит экишдан олдин ерлар лазерли текислагич ёрдамида текисланади ҳамда майин тупроқ қатлами ҳосил қилинади. Иш унуми 25-30 фоизга ошади, чигит бир хил чуқурликда экилади ва бир текис униб чиқади ҳамда униб чиққан ниҳоллар бир хил ривожланади. Чигит экиш чуқурлиги 2-3 см.ни ва экиш меъёри 22,5-30 кг/га.ни ташкил қилади. Чигит экиш учун энг қулай муддат Шинжон жанубида 10-20 апрел, шимолий Шинжонда 15-25 апрел кунларига мос келади. Чигит қуруқ тупроққа экилади ва ундириб олиш мақсадида 2-4 соат давомида томчилатиб суғорилади. Лазерли текислагичлар билан текисланган майдонларда суғориш ишлари сифатли ўтказилади ва дала бир текис намланади, бунда чигит тез униб чиқади. Чигит экилганидан кейин беш кундан етти кунгача кўчатлар пайдо бўлиши кузатилади ва плёнка йиртилган, чигит тушмасдан қолган уяларга чигит экилади ва усти ёпилмасдан очиқ қолган айрим уялар тупроқ билан ёпиб чиқилади. Чигит экилгандан кейин ҳарорат паст бўлиб қолса, ернинг ҳароратини ошириш учун культивация усулларидан фойдаланилади.

Хитойда ғўзанинг ғовлаб кетишининг олдини олиш, вегетация даврида ғўза ҳосил шохлари бўғин оралиғини 3-4 см.дан оширмаслик мақсадида ўсимликнинг 4-5 чин баргида 5-6 г., шоналаш даврида 10-15 г., гуллаш даврида 20-25 г., ҳосил тўплаш даврида 45-60 г. ва кимёвий чилпишда 90-120 г.дан “Энтожеан” ёки “Сожеан” сепишга жуда катта аҳамият қаратилади. Ғўзани озиқлантириш мақсадида 2-4 чин барг чиқариш даврида (N-100 кг/га) бир марта, шоналаш даврида (N-100 кг/га) 2 марта ва гуллаш даврида (N-120 кг/га) 3-4 марта азотли ва сувда эрийдиган P (100 кг/га) ва K (65кг/га)ли ўғитлар сувда эритилган ҳолда томчилатиб берилади. “Шинжон“ усулида ғўза навлари май-июнь ойида 1-2 марта 180-225 м3/га., июль ойида 4-5 марта 300-375 м3/га., августда 3-4 марта 300-350 м3/га. меъёрида, жами 8-11 марта томчилатиб суғорилади. Шинжонда июл ойи охиридан август ойи бошигача бўлган давр юқори ҳарорат ва ғўза энг кўп ўғит ва сувга муҳтож бўлган давр ҳисобланади.

Ғўза баландлиги 80-85 см.ни, ҳосил элементлари сони 14-15 донани, кўсаклар сони 6-7 донани ташкил қилади ҳамда тупроқдаги намлик тахминан 70 фоизда ушлаб турилади. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш мақсадида баргдан озиқлантириш, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов бериш, дефолиация ва десикация агротехник тадбирлари тўлиқ дронлар ёрдамида амалга оширилади. Дефолиация жанубий ҳудудларда 15-30 августда, марказий ҳудудларда 25 августдан 5 сентябргача, шимолий ҳудудларда эса, 1-10 сентябрда амалга оширилади. Пахта терими 90-97 фоиз механизациялашган бўлиб, юқори унумли, замонавий техникаларда амалга оширилади.

Азимжон УМИРЗОҚОВ,
Хурсандбой МАХСАДОВ,
Пахтачилик кенгаши Жиззах вилояти ишчи гуруҳи аъзолари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари.
Жаҳонгир РАЙИМҚУЛОВ,
Толали экинлар илмий-тадқиқот институти илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.

Дрон технологияларининг асосий афзалликларидан бири катта ҳудудлар ҳақида қисқа вақт ичида аниқ ва тезкор маълумот олиш имкониятидир

ДРОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАЪЛУМОТЛАРГА АСОСЛАНГАН БОШҚАРУВ ВОСИТАСИ

Бугунги кунда давлат бошқаруви олдида турган муҳим вазифалардан бири мавжуд ресурс ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, бошқарув жараёнларини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш ҳамда эришилган натижани аниқ ўлчашга асосланган янги ёндашувларни жорий этишдир. Давлат органларида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш, ҳудудларда янги имкониятларни аниқлаш ва бошқарув самарадорлигини ошириш Бошқарув самарадорлиги агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида натижага асосланган бошқарувни тажриба-синов тариқасида жорий этиш назарда тутилди.

Мазкур ёндашувнинг моҳияти фақат бошқарув жараёнларини қайта ташкил этишда эмас, балки ҳар бир вазифа ва ресурсни аниқ натижа билан боғлаш, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳалар ва ҳудудлардаги ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда уларни ривожланишнинг янги манбаларига айлантиришдан иборат. Бу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги стратегик аҳамиятга эга соҳалардан биридир. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, меҳнат ва моддий харажатларни мақбуллаштириш, агротехник жараёнларни аниқ маълумотлар асосида бошқариш соҳада юқори натижага эришишнинг муҳим шартларидир.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ушбу вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал этиш учун янги имкониятларни очиб бермоқда. Хусусан, учувчисиз учиш аппаратлари – дронлар деҳқончилик тамойилларини амалиётга татбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолатини тезкор баҳолаш ва қарор қабул қилиш жараёнини аниқ маълумотлар билан таъминлашда муҳим технологик воситага айланмоқда.

Дронлар ёрдамида экин майдонларини мониторинг қилиш, ер ва ўсимликлар ҳолатини баҳолаш, рақамли хариталарни шакллантириш, намлик даражаси, ўсимликларнинг ривожланиши, зарарланган майдонлар ва бегона ўтларни аниқлаш, шунингдек, айрим агротехник тадбирларни амалга ошириш мумкин. Шу нуқтаи назардан, дронлардан фойдаланишни шунчаки замонавий технологияни қишлоқ хўжалигига жорий этиш сифатида эмас, балки “маълумот – таҳлил – қарор – натижа” занжири асосида бошқарув самарадорлигини оширишнинг амалий воситаларидан бири сифатида кўриш мумкин.

Зеро, натижага асосланган бошқарувда замонавий технологиянинг қиймати унинг ўзида эмас, балки у орқали аниқ натижага – ресурслардан тежамкор фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, харажатларни камайтириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини юксалтиришга эришишда намоён бўлади.

Ўзбекистон шароитида дрон технологияларининг аҳамияти

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, аграр сектор мамлакат ялпи ички маҳсулоти ва бандлигининг қарийб тўртдан бир қисмини таъминлайди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги мамлакатдаги умумий сув истеъмолининг қарийб 90 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткичлар ер ва сув ресурсларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этишнинг долзарблигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, дрон технологиялари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва бошқарув жараёнларини такомиллаштиришнинг истиқболли воситаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш амалиёти босқичма-босқич шаклланиб, улар, аввало, экин майдонларини мониторинг қилиш, экинларнинг ҳолатини баҳолаш, муаммоли ҳудудларни аниқлаш ҳамда агротехник тадбирларни амалга ошириш каби йўналишларда қўлланилмоқда.

Дрон технологияларининг асосий афзалликларидан бири катта ҳудудлар ҳақида қисқа вақт ичида аниқ ва тезкор маълумот олиш имкониятидир. Ҳаводан мониторинг қилиш орқали экинларнинг ҳолатидаги ўзгаришларни кузатиш, сув танқислиги ёки зараркунанда ва касалликлар таъсирига дуч келган майдонларни эрта аниқлаш, шунингдек, агротехник ишларни мақсадли режалаштириш имконияти кенгаяди. Энг муҳими, дронлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалигида қарор қабул қилиш жараёнини реал маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Бу эса сув, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва меҳнат ресурсларидан манзилли фойдаланиш, ортиқча харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Шу боис, Ўзбекистон шароитида дрон технологияларини кенг жорий этиш нафақат қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, балки чекланган ер ва сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва натижага йўналтирилган бошқарув ёндашувларини кучайтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш фақат ҳаводан тасвирга олиш билан чекланмайди. Илмий тадқиқотлар улардан экин майдонларини мониторинг қилиш, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиш, сув танқислиги ёки намлик етишмовчилигини аниқлаш, бегона ўтларни хариталаш, касаллик ва зараркунандалар таъсирининг дастлабки аломатларини баҳолаш, шунингдек, ҳосилдорликка оид маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишда самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бундай ёндашув қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланишни назарда тутувчи аниқ деҳқончилик концепцияси билан бевосита боғлиқ. Ушбу концепциянинг асосий тамойили ер майдонини яхлит ва бир хил ҳудуд сифатида эмас, балки ҳар бир қисмининг ҳолати ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бошқаришдир. Яъни сув, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа ресурслар бутун майдонга бир хил миқдорда эмас, балки аниқ эҳтиёж мавжуд бўлган ҳудудларга йўналтирилади.

Шу нуқтаи назардан, дронлар орқали олинган маълумотлар қишлоқ хўжалигида қарор қабул қилиш жараёнини янада аниқ ва тезкор ташкил этиш имконини беради. Дронлардан олинган тасвир ва маълумотларни спутник кузатуви, метеорологик маълумотлар, тупроқ намлиги кўрсаткичлари ҳамда бошқа рақамли маълумотлар билан уйғунлаштириш орқали экин майдонларининг ҳолатини комплекс баҳолаш мумкин.

Натижада, қишлоқ хўжалигида “кўпроқ ресурс сарфлаш” эмас, балки “аниқ эҳтиёжга қараб ресурс йўналтириш” тамойили қарор топади. Бу эса сув ва бошқа ресурсларни тежаш, ортиқча харажатларни камайтириш, муаммоларни эрта аниқлаш ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва манзилли ташкил этиш учун муҳим имконият яратади.

Ўзбекистонда дрон технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари изчил равишда шаклланиб, мазкур технологияларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг институционал ва амалий механизмлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этишнинг кейинги босқичида Президентимизнинг 2025 йил 12 августдаги фармони қабул қилинди. Ҳужжатда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига дронлар ёрдамида хизматлар кўрсатиш механизмларини жорий этиш, шунингдек, дрон хизматларидан фойдаланиш учун Агропортал орқали ариза бериш, хизмат кўрсатувчи билан шартнома тузиш ва тўловларни амалга ошириш имкониятларини яратиш назарда тутилган.

Шу тариқа, амалдаги ҳуқуқий база дронларни қишлоқ хўжалигида фақат мониторинг воситаси сифатида қўллашдан тортиб, улар асосида хизматлар кўрсатиш ва рақамли платформалар орқали мазкур хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратишгача бўлган жараённи қамраб олмоқда. Бу эса дрон технологияларини қишлоқ хўжалигида тизимли ва кенг кўламда қўллаш учун зарур ҳуқуқий-институционал муҳит шаклланаётганини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигининг рақамли трансформацияси шароитида дрон технологиялари ер ва экин майдонлари ҳақида тезкор, аниқ ва манзилли маълумот олиш, ўсимликларнинг ҳолатини мунтазам кузатиш, муаммоли ҳудудларни эрта аниқлаш ҳамда айрим агротехник тадбирларни самарали ташкил этиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда дрон технологияларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш амалиёти босқичма-босқич шаклланиб, унинг ҳуқуқий ва институционал асослари ҳам ривожланиб бормоқда. Бу жараён дронларни алоҳида технологик восита сифатида эмас, балки қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, мониторинг жараёнларини такомиллаштириш ва маълумотларга асосланган бошқарувни кучайтиришнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш имконини беради.


Шу билан бирга, дронлар анъанавий қишлоқ хўжалиги усулларининг ўрнини тўлиқ босувчи технология сифатида эмас, балки уларнинг имкониятларини кенгайтирувчи рақамли восита сифатида намоён бўлади. Дронлар орқали олинган маълумотларни сунъий йўлдош мониторинги, метеорологик маълумотлар, тупроқ ва сув ресурслари ҳақидаги ахборотлар ҳамда бошқа рақамли маълумотлар билан интеграция қилиш қишлоқ хўжалиги объектларини янада комплекс баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилиш имконини оширади.

Келгусида дрон технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги уларни шунчаки жорий этиш билан эмас, балки олинган маълумотларни бошқарув қарорларига интеграция қилиш, аниқ деҳқончилик тамойилларини кенгайтириш, ресурслар сарфини оптималлаштириш ва рақамли агротехнологиялар билан уйғунлаштириш даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, дронлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва маълумотларга асосланган бошқарувни ривожлантиришнинг истиқболли воситаларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Одил НАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги бош инспектори.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

БУЛУНҒУР: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



Рўзибой АБДУЛЛАЕВ,
нафақадаги молиячи-иқтисодчи.

Юрт ободлиги ният ва ҳаракатдан бошланади

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар юз бермоқда. Булунғур туманида ҳам кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижаларини кўриш мумкин.

Янги ижтимоий-иқтисодий объектлар, таълим ва маданият муассасалари, спорт мажмуалари, замонавий турар жойлар барпо этилмоқда. Кўча ва йўллар таъмирланиб, аҳоли пунктларининг инфратузилмаси яхшиланмоқда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Бу жараёнлар, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган инсон қадрини улуғлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган ислоҳотларнинг амалий ифодасидир. Юрт ободлиги ва халқ фаровонлигига қаратилган бундай эзгу мақсадлар жойлардаги бунёдкорлик ишларига ҳам янги руҳ ва мазмун бағишламоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришларнинг марказида инсон ва унинг манфаатлари турибди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт учун зарур шароитларни яратиш, ёшлар учун спорт ва маданият масканларини кўпайтириш, янги уй-жойлар барпо этиш каби ишлар халқнинг кундалик ҳаётида ўз аксини топмоқда. Шу маънода, бугунги Булунғурни кечаги Булунғур билан қиёслар эканмиз, юрт тараққиётининг ҳудудлар ҳаётидаги амалий ифодасини яққол кўрамиз. Кеча оддий ва машаққатли бўлган йўллар ўрнида бугун замонавий йўллар, эски иншоотлар ўрнида янги ва қулай бинолар қад ростламоқда. Бу эса мамлакатимиздаги ислоҳотлар нафақат пойтахт ва йирик шаҳарларда, балки олис қишлоқ ва маҳаллалар ҳаётигача кириб бораётганининг бир кўринишидир.

“Авлиё ота” – эъзозланган қадамжо

Туманнинг Тожикистон билан чегара ҳудуди – Хўжамазгил қишлоғи тоғ бағрида, баланд тепаликда қабри жойлашган Имом Муттақин Абу Музахим Вазорин (819–883 йиллар)нинг “Авлиё ота” қадамжосига узоқ-яқиндан зиёратчилар кўп ташриф буюрса-да, шароитлар анча оддий эди. Булоқ яқинида яхши инсонлар ташаббуси билан бир неча йиллар аввал шинам масжид ва ҳужралар тикланган бўлиб, азиз инсон қабри очиқ ҳавода қолган, қабр устига ёмғир-қордан пана бўлсин деган маънода тўртта металл таянч устига туника ўрнатилган эди. Зиёратчилар учун ҳам муносиб шароитлар яратилмаганди. Туман ҳокимлиги томонидан қадамжони обод, кўркам ва хушманзара масканга айлантириш мақсадида масъуллар бириктирилди. Қабр устидаги оддий тошлар ўрнига махсус қабртош тайёрланиб, ўрнатилди. Очиқ ҳаводаги тунука ўрнига кўзга яққол ташланадиган зангори гумбазли мақбара барпо этилди. Тепалик атрофида ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилиб, суғориш жиҳозлари билан таъминланди. Булоқ атрофидаги очиқ майдонлар ҳам эътибордан четда қолмади. Зиёратчиларга қулай бўлиши учун кенг айвон тикланиб, йўлаклар тартибга келтирилди ва асфальт қопламаси ётқизилди.

Фозил Йўлдош ўғли мероси

Булунғур халқининг фахри, кўплаб халқ достонларининг асосчиси, бахши Фозил Йўлдош ўғлининг таваллудига 150 йил тўлиши муносабати билан унинг номи билан аталувчи маҳаллада Фозил Йўлдош уй-музейи қурилиб, ишга туширилди. 2022 йилда кенг нишонланган юбилей тантаналарига республиканинг бир қанча вилоятларидан бахшичилик санъатининг етук давомчилари таклиф этилди. Улар ижросида халқ достонларидан парчалар куйланиб, тадбир иштирокчиларига катта маънавий завқ бағишлади.

Булунғурнинг бугунги ҳаётида деҳқончилик анъаналари ҳам ўз ифодасини топмоқда. 2024 йилдан бошлаб Фозил Йўлдош номи билан аталувчи МФЙ ҳудудида “Помидор сайли” ўтказиб келинмоқда. Унда булунғурлик деҳқонлар етиштирган сара маҳсулотлар, айниқса, помидорнинг турли навлари намойиш этилади. Вилоятнинг турли ҳудудларидан келган деҳқонлар ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, бу тадбирни ҳақиқий меҳнат байрамига айлантирмоқда.



“Йўлга эътибор – элга эътибор”

Халқимизда “Йўлга эътибор – элга эътибор”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Булунғурликларнинг кўп йиллик орзуси бўлган туман марказидаги темир йўл кесишмасида транспорт воситаларининг тез-тез тирбанд бўлиши нафақат ҳайдовчилар, балки кўп сонли йўловчиларга ҳам ноқулайлик туғдирар эди. Ана шу манзилда йўлўтказгич қурилиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги арафасида ишга туширилди. Натижада, тирбандликларга барҳам берилиб, транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиши учун шароит яратилди. Бу нафақат булунғурликлар, балки туманга йўли тушган барча инсонлар учун қувонарли янгилик бўлди. Бугун туман маркази ва қишлоқларда ҳам йўлларни таъмирлаш, асфальтлаш, серқатнов чорраҳаларга светофорлар ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Бу ўзгаришларни ўзим туғилиб, ўсган Ниёзмат қишлоғи мисолида янада яққол ҳис қиламан. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида қишлоғимиз йўллари қалин тупроқдан иборат эди. Ниёзматни жамоат транспорти йўлга қўйилган Килдон қишлоғи билан боғловчи 7-8 чақиримлик эгри-бугри йўл чуқур жарликлар, баланд қирлар ва овлоқ сойликлардан ўтарди. “Туятортар” ва “Булунғур” каналлари оралиғида яшовчи қишлоқ аҳли учун кўприклар ҳам алоҳида муаммо эди. Улар асосан пиёдалар, от-эшак ёки арава ўтишига мослаб қурилган бўлиб, бетон таянчлар ўрнига йўғон дарахт таналаридан фойдаланилган. Айрим жойлари носоз бўлганидан улардан ўтиш хавфли эди. “Туятортар” каналида сувнинг шиддат билан оқиши сабаб кўприкдан ўтишда фожиали ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ўша йиллари “Красногвардейск” давлат хўжалигининг чорва фермаси Хўжамазгил қишлоғида жойлашган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Украинадан Булунғур марказига шакар заводи кўчириб келтирилиб, завод учун хомашё сифатида қанд лавлаги етиштириш йўлга қўйилган. Узоқ қишлоқлардан лавлаги ҳосилини ташишда транспорт етишмагани сабабли от-арава ва эшаклар билан бир қаторда туя карвонларидан ҳам фойдаланилган. Тўрт-бешта туядан иборат карвон бир вақтда бир тоннагача юкни ташиш имконига эга бўлган. 1960 йилда совхоз раҳбари Баласанов ташаббуси билан Килдондан Хўжамазгилдаги фермагача тўғри йўл ўтказилди. Натижада, Килдон – Ниёзмат оралиғидаги 7-8 чақиримлик эгри-бугри йўл ўрнига масофаси қисқарган янги йўл пайдо бўлди. Кейинчалик каналлар устига янги кўприклар қурилди, йўллар асфальтланди ва автобус қатнови йўлга қўйилди. Бугун эса қишлоқдаги тизза бўйи тупроқдан иборат кўчалар тартибга келтирилиб, асфальт ётқизилди, айримлари бетонлаштирилди. Уйлар рақамланди, асосий кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Кечаги қишлоқ билан бугунги қишлоқни солиштирган киши бу ўзгаришларнинг қадрини янада яхши ҳис қилади.

Янги иншоотлар – янги имкониятлар

Булунғурда сўнгги йилларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Туман марказидаги “Диёр” стадиони қошида янги замонавий спорт зали, “Ҳумо” ёшлар сайлгоҳи ҳудудида 230 ўринли амфитеатр, мусиқали фаввора, барча шароитларга эга кутубхона биноси, “Килдон” маҳалласида давлат-хусусий шерикчилик асосида 75 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 2-сонли ўрта мактаб қошида замонавий спорт зали ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивида 330 ўринли мактаб қурилиб, ишга туширилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. “Истиқлол” маҳалласининг “Фарҳод” кўрғони ва “Гулзор” маҳалласида замонавий артезиан қудуқлари қурилиб, ишга туширилди. Айниқса, “Янги Ўзбекистон” массивида бунёд этилаётган замонавий кўп қаватли уйлар эътиборга молик. Бу ерда янги турар жой маскани шаклланмоқда. Қурилиш натижасида кўплаб оилалар уй-жойли бўлмоқда. Массивни ободонлаштириш мақсадида “Яшил макон” хайрия ҳашарлари ташкил этилиб, турли кўчатлар экилмоқда. Бундай тадбирларда ёшлар билан бир қаторда биз, нуронийлар ҳам ўз ҳаётий тажрибамиздан келиб чиқиб, кўчатларни тўғри экиш ва парваришлаш бўйича ёрдам беришга ҳаракат қилдик.

Туман Молия бўлимида ўттиз йиллик иш фаолиятим давомида бюджет маблағларини режалаштириш, ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, жойларда улардан фойдаланишни назорат қилиш каби вазифаларни бажаришга тўғри келган. Шу сабабли, Булунғурнинг молиявий имкониятлари қандай ўзгарганига бефарқ қарай олмайман. Собиқ Иттифоқ даврида давлат ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатлар бугунги тизимдан анча фарқ қиларди. Маҳаллий бюджетларга тушадиган маблағлар чекланган, харажатларни қоплаш имкониятлари ҳам тор эди. Яқинда туман Молия бўлимида бўлиб, жорий йил бюджет параметрлари билан танишар эканман, маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари бир хил режалаштирилганини кўрдим. Бугун бюджет даромадлари манбалари кенгайган, захира маблағлари ҳам кўзда тутилмоқда. Харажатларни режалаштиришда халқ фаровонлиги ва ободонлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши эса миллионлаб эмас, миллиардлаб маблағларни зарур мақсадларга йўналтириш имконини яратмоқда.

Бир асрдан ҳам қадимий тарих

Туманда нуронийлар билан бўлиб ўтган бир тадбирда жорий йилда Булунғур тумани ташкил этилганининг юз йиллиги нишонланиши тилга олинди. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида Булунғур тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилгани кўрсатилган. Бугун расмий маълумотларда ҳам туманнинг ташкил топган санаси 1926 йил 29 сентябрь деб кўрсатилади. Аммо “Булунғур” атамасининг ўзи бу саналардан анча қадимий. Манбаларда “булуғар” сўзи мўғулчада “лойқа” маъносини англатиши ва Булунғур номи шу атама билан боғлиқлиги қайд этилади.



1219 йилда Чингизхон қўшинлари Самарқандни босиб олиш йўлида Булунғур ариғидан кечиб ўтгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Булунғур тарихи Самарқанд тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Самарқаднинг машҳур Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари ҳамда Маҳдуми Аъзам масжидини қурдирган Баҳодир Ялангтўш 1590-1593 йилларда Булунғур ҳокими бўлгани ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилади.

Пахта далаларида кечган оғир йиллар

Булунғур тарихини эслар эканмиз, қишлоқ аҳлининг пахта далаларидаги оғир меҳнатини ҳам ёдга олиш жоиз. Кўклам келиши билан чигит экардик. Баъзан ёғингарчилик туфайли қайта экишга тўғри келарди. Ёз бўйи чопиқ қилиб, экинларни бегона ўтлардан тозалардик. Зараркунандаларга қарши ишлов берардик, сувчилар эса кечани кеча, кундузни кундуз демай экинларни суғорарди. Август ойида чеканка, кейин дефолиация ишлари амалга ошириларди. Сентябрь охирларида пахта терими бошланар, ҳар бир теримчига кунлик “норма” белгиланарди. Пайкалларда пахта камайиб қолганида ҳам режани бажариш талаби сақланар, баъзан кечалари ҳам пахта теришга тўғри келарди. Куз ўтиб, қиш бошланса ҳам терим тўхтамасди. Пишиб етилмаган кўсаклар, ёмғирда қолган пахталар йиғиларди. Дала шийпонларида ҳўл пахтани қуритиш учун шароит яратилар, баъзан ўтин етишмагани учун дарахтлар кесиларди. Уйларимизга олиб келинган кўсакларни кечалари оила аъзолари билан бирга тозалардик. Кейин тоза пахтани яна шийпонга олиб бориб топшириш керак эди. Трактор-тележкалар бўлмаган йилларда катта қопларга солинган пахтани от-аравада 7-8 чақирим наридаги Килдон пахта пунктига ташиш ҳам кундалик юмушлардан бири эди. Ўша йилларни бошидан кечирган инсонлар бунинг қанчалик оғир бўлганини яхши билади.

Қишлоқ хўжалигида янги давр

Замонлар алмашди. Булунғурда пахта ўрнига полиз, мева-сабзавот экинлари, боғ ва узумзорлар кенг ўрин эгаллай бошлади. Бошқа ҳудудларда ғўзанинг ҳосили бир пайтда очилиб, бир марта териладиган навларини кўриб, “демак, шуғулланса бўлар экан-да”, деган фикрга келган пайтларимиз ҳам бўлди. Бир вақтлар Булунғур ҳудудида ўн йилдан ортиқ фаолият юритган шакар заводи учун қанд лавлаги етиштирилган бўлса, узумзорлардан етиштирилган турли нав узумлардан тайёрланган Булунғур виноси собиқ Иттифоқнинг кўплаб ҳудудларига тарқалган.

Бугун эса деҳқончилик янада ранг-баранг тус олган. 2025 йилда туман деҳқонлари томонидан 47 минг тонна ғалла, 200 минг тоннадан кўпроқ сабзавот, 190 минг тонна картошка, 15 минг тонна полиз маҳсулотлари, 35 минг тонна мева, 36 минг тонна узум, 146 тонна пилла, 22 минг тонна гўшт ва 114 минг тонна сут маҳсулотлари тайёрланган. Жорий йилда эса бундан-да юқори марралар кўзланмоқда.

Қадамжолар қайта обод бўлмоқда

Етмиш йилдан кўпроқ давом этган собиқ тузум даврида масжид ва мадрасалар, муқаддас қадамжолар ҳамда кўплаб зиёратгоҳлар қаровсиз ҳолга келиб қолган. Булунғурдаги “Ҳўжа Ҳофиз Шерозий” зиёратгоҳи ҳам ана шундай тақдирни бошидан кечирган. 1986 йилда “Болғали” қишлоғи яқинидаги зиёратгоҳ бузилган. Ўша пайтларда бу жараёнга гувоҳ бўлган инсонларнинг ҳикоялари ҳали ҳам хотирада.

Мустақиллик йилларида эса яхши инсонлар ташаббуси билан зиёратгоҳ қайта тикланди. “Ҳидоят” журналида қайд этилган маълумотларга кўра, зиёратгоҳни ободонлаштириш ва “Болғали” аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сув иншооти қурилиб, ҳомийлар маблағидан 597,2 миллион сўм сарфланган. Бугун бу маскан ҳам зиёратчилар учун муносиб шароитга эга.

Ниёзматдаги масжид тақдири ҳам ўша давр ҳақида кўп нарсани сўзлаб беради. Болалигимизда қишлоқ ўртасидаги қаровсиз бинони масжид деб аташга ҳам кишининг тили бормасди. Кейинчалик қишлоқ аҳлининг ташаббуси билан бино қайта тикланди. Таъқибдан сақлаш мақсадида пештоқига “Нуронийлар чойхонаси” деган ёзув осилди, унинг бир қисмида қишлоқ кутубхонаси ҳам жойлашди.

Бугун эса туман ҳудудида 16 та жомеъ масжиди эркин фаолият юритиб, намозхонлар учун ўз эшикларини очиб турибди. Нуронийларга бўлган эътибор ҳам бугунги Булунғур ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бири. Нуронийлар учун республикамизнинг турли қадамжоларига зиёратлар ташкил этилди. Бир гуруҳ нуронийлар пойтахтимизда яқинда ишга туширилган Ислом цивилизацияси марказида ҳам бўлиб, бу масканни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлди. Шу йилнинг 14 июль куни туман Маданият уйида “Нуронийлар куйлаганда” шиори остида кўрик-танлов ташкил этилди. Унда 60 ёшдан ошган отахонлар ва 55 ёшдан ошган онахонлардан иборат меҳнат фахрийлари иштирок этиб, мақом ва миллий қўшиқлар ижро этдилар.

Кўз ўнгимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида гапирар эканман, инсон ўзи туғилиб ўсган юртидаги ҳар бир ўзгаришга бефарқ қарай олмаслигига амин бўламан. Бугунги Булунғур кечаги Булунғур эмас. Бунда энг аввало, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, қолаверса туман ҳокими Самандар Астонов ва у бошчилигидаги жамоанинг машаққатли меҳнатлари алоҳида ўрин тутади.

Булунғур ўз тарихини асраб, бугунини бунёд этиб, эртанги кунига интилаётган маскандир. Унинг ободлиги, фаровонлиги ва тараққиёти йўлида қилинаётган хайрли ишлар ҳали давом этади.

Тўйинг муборак бўлсин, Булунғурим!



ИЛМ ВА ИЗЛАНИШГА БАХШИДА УМР



(Боши 1-саҳифада)

Унинг "Бошланғич синф ўқувчилари нутқини ўстиришнинг инновацион усуллари", "1-4-синф она тили, ўқиш, математика фанларидан назорат ишлар тўплами", "Синфдан ташқари ўқиш дарсларини ташкил этиш", каби услубий қўлланмалари таълим жараёнида самарали фойдаланилмоқда. Айниқса, устознинг "Образли рақамлар" номли методик тавсияси бошланғич таълимда ўзига хос янгича ёндашув сифатида эътиборга лойиқ. Унда кичик мактаб ёшидаги болаларга рақамларни қуруқ ёдлатиш эмас, балки уларни ҳаётдаги турли предметларга ўхшатиш, образлар орқали тасаввур қилдириш усули қўлланилган. Рақамларнинг шаклига мос қисқа шеърлар, халқ оғзаки ижоди намуналари – мақол ва топишмоқлар, шунингдек, амалий машғулотлар учун ёзув намуналарининг берилиши қўлланманинг амалий аҳамиятини янада оширган. Саодатхон опа ўз касбий фаолияти давомида илмий-амалий конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб келади.

2018 йил Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида "Узлуксиз таълим тизимида XXI аср шахсининг малакали мутахассис сифатида шаклланиши: назария, амалиёт ва истиқбол" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда "Замонавий шароитда ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишда оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги" мавзусидаги мақоласи билан иштирок этди. Мақола анжуман материалларининг III-китобидан ўрин олди. Шунингдек, Фарғонада ўтказилган республика конференцияда, Самарқандда "Табиий ва аниқ фанларни ўқитишда инновацион ёндашувга асосланган таълим" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида иштирок этиб, мақолалари билан қатнашди. "Таянч компетенциялар – замонавий таълим натижасининг янги намунаси" мавзусидаги мақоласи конференция материаллари тўпламида чоп этилди.

2019 йил Нукусда ўтказилган "Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари" мавзусидаги республика илмий-назарий анжуманида "Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш" мақоласи билан иштирок этди. Унинг мақолалари "Бошланғич таълим", "Эстетик фанлар методикаси", "Ўқитувчи" каби нашрларда, шунингдек, "Ғалаба" ва "Маърифат" газеталарида чоп этилган. 2020-2021 йилларда



эса кўплаб онлайн конференцияларда ўз мақолалари билан қатнашди.

Тажрибали педагогнинг яна бир муҳим фазилати – у таълимни бола учун қизиқарли жараёнга айлантира олади. У дарс жараёнида ўзи яратган 350 дан ортиқ кўргазмали қуроллардан моҳирона фойдаланади. Ранг-баранг, болалар ёши ва тафаккурига мос тайёрланган кўргазмалар ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини ошириш, мавзуни тезроқ англаш ва билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Унинг шогирдлари ҳам устоз меҳнатининг муносиб натижаларини намоён этиб келмоқда. 2019 йил туман миқёсида бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган кичик фан олимпиадаларида унинг икки нафар ўқувчиси биринчи ўринни эгаллади.

Кўп йиллик педагогик тажриба Саодатхон Акбаровани нафақат маҳоратли ўқитувчи, балки ёш педагоглар учун тажриба мактабига айлантирди. У Балиқчи туманида бошланғич таълим йўналишида ментор ўқитувчи сифатида фаолият юритиб, ёш ўқитувчиларга ўз тажрибасини ўргатиб келмоқда, илғор педагогик тажрибаларини ҳамкасблари билан баҳам кўради.

Педагог "PIRLS" ва "TIMSS" халқаро тадқиқотларига ўқувчиларни тайёрлаш бўйича туман координатори сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. Ўзига бириктирилган 30 та мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари билан мунтазам ўқув машғулотлари ташкил этиб, уларнинг касбий маҳоратини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Болаларнинг янги қобилиятларини кашф этаётган устоз ўз устида ишлашни ҳеч қачон тўхтатмайди. У хорижий таълим тизими тажрибасидан фойдаланиб, ментал арифметика методикасини ўрганди ва ўқувчиларга тез ҳамда тасаввур асосида ҳисоблаш усулларини ўргата бошлади. Натижа эса қувонарли. Ментал арифметика бўйича туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган олимпиадаларда унинг ўқувчилари юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, 2021 йил Наманган вилоятида республика миқёсида ўтказилган олимпиадада унинг 9 нафар ўқувчиси турли категориялар бўйича биринчи ўринларни эгаллаган. 2022 йил Фарғона вилоятининг Боғдод туманида ўтказилган "Вундеркиндлар" олимпиадасида ҳам унинг икки нафар ўқувчиси каллиграфия йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди.

Устоз "Тез ўқиш санъати", "Каллиграфия", "Эмоционал интеллект", "Тадбиркор болажон" каби курсларда таҳсил олиб, ўз касбий салоҳиятини янада бойитди.

Бугун у савод ўрганиш давридаги болаларга ҳарфларни образли ва тасаввур орқали ўргатиш усули устида иш олиб бормоқда. Мактабда "Тез ўқиш санъати" тўгарагини ташкил этган. Бу машғулотлар болаларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, матнни англаш ва ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Устозлик – мактаб билан чекланмайди

Саодатхон опанинг эзгу ташаббуслари таълим муассасаси билан чекланиб қолмайди.

У ўзи истиқомат қилаётган Ботир маҳалласида давлат-хусусий шериклик асосида оилавий боғча ташкил этди. Бугун ушбу муассасада мактабгача таълимга қамраб олинган 50 нафар болага таълим-тарбия бериш имконияти яратилган. Бу ташаббуснинг ўзиёқ устознинг бола тарбиясига бўлган муносабати нечоғлик кенг қамровли эканини кўрсатади. Унинг учун таълим мактаб остонасидан бошланиб, жамиятнинг барча бўғинларига дахлдор эзгу жараёндир.

Билим масканида, ўз маҳалласида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга, ёшларни Ватанга садоқат, меҳр-оқибат ва билимга интилиш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда. 37 йиллик меҳнат йўли давомида Саодатхон опа ўз касбига садоқатли, янгиликка интилувчан, изланувчан ва жонкуяр педагог сифатида шаклланди.

Унинг меҳнатлари давлат мукофоти билан эътироф этилгани устозлик фаолиятига берилган юксак баҳодир. Аммо устоз учун энг катта мукофот – шогирдларининг ютуғи, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, китобга, илмга ва эзгуликка ошно бўлишидир.

Бугун Саодатхон Акбарова ўз тажрибасини ёш авлодга бериш билан бирга, ёш педагогларга устозлик қилмоқда, янги методикалар яратмоқда, ўқувчиларнинг халқаро тадқиқотлар ва олимпиадалардаги иштирокига йўл очмоқда.

Унинг ҳаёт йўли бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди: чинакам устоз учун таълим бериш касб эмас, балки бутун умрлик эътиқод ва масъулиятдир. Шундай фидойи педагоглар меҳнати туфайли мактабларимизда билимли, мустақил фикрлайдиган, Ватанга садоқатли ва эртанги кунга ишонч билан қадам қўядиган авлод тарбияланмоқда.

Барно ҲАЙДАРОВА,
журналист.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Аёл борки, хонадонда меҳр-муҳаббат ва файз-барака ҳукм суради. Аммо ўз умрини ҳам маърифат улашишга, ҳам болалар қалбига эзгулик уруғини қадашга ва шу билан бирга оиласи ризқини ҳалол меҳнат билан бутун қилишга бағишлаган аёллар борки, уларнинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун чинкам ибрат мактабидир. Шундай фидойи ва меҳнаткаш аёллардан бири Бекобод туманидаги моҳир педагог, бошланғич синф ўқитувчиси ҳамда истеъдодли ижодкор Муҳайё Ўроқовадир.

Қишлоқ аёли

ЁХУД 26 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА ПЕДАГОГ



Муҳайё 26 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келмоқда. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш бу шунчаки касб эмас, балки улкан масъулият ва сабр-тоқатни талаб этадиган шарафли бурчдир. Мана шу чорак асрдан зиёд вақт мобайнида у қанчадан-қанча мурғак қалб соҳибларининг саводини чиқарди, уларга эзгулик, ватанпарварлик ва инсонийлик сабоқларини берди. Балки шу 26 йиллик бой тажриба ва болалар дунёсига яқинлик сабаб бўлса керак, Муҳайё Ўроқова болалар учун ажойиб ҳикоялар, қиссалар ёза бошлади. Унинг қаламига мансуб самимий ва таъсирли асарлар аллақачон республикамизнинг турли газета ва журналларида босилиб чиқди. Шу кунгача у "Эзгулик дарахти", "Олча кимдан хафа?", "Ипак ришталар" номли учта ижодий



китобнинг муаллифига айланиб, улгурди. Унинг ижоди давлатимиз ва жамоатчилик томонидан ҳам муносиб эътироф этилди. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Муҳайё Ўроқова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди. Бу эса унинг меҳнати ва истеъдодига берилган юксак баҳодир.

Муҳайёнинг муваффақияти фақат мактаб ва ижод билан чекланиб қолмайди. У уйда самимий, аҳил ва тинч-тотув оиланинг кунончак бекаси, икки паҳлавон ўғилнинг меҳрибон онасидир. Унинг хонадонига қадам ранжида қилган киши ҳақиқий қишлоқ аёлининг меҳнаткашлигига тан беради. Машаққатли ўқитувчилик ва ижоддан ортиб, деҳқончилик илмини ҳам ўрганишда изланишдан чарчамайди. У мўъжазгина ҳовлисидаги олти сотих ерни яхшигина даромад манбаига айлантирди. Иссиқхонада сархил помидорлар етиштиради. Парваришни ўз вақтида меҳр билан олиб боргани сабабли, ҳар йили мўл ва баракали ҳосил олади. Бундан ташқари, Муҳайё "Ўтирганнинг куни ўзича, ҳаракат қилганники ўзгача ўтади", деган пурмаъно халқ нақлига амал қилган ҳолда хонадонда чорва парвариш қилади. Сигир соғиш, хушхўр ва тоза қаймоқ тайёрлаб, доимий равишда дўконларга топшириш ҳам унинг кундалик юмушларидан бири. "Қишлоқ аёли ҳамма нарсага улгуради", деган сўзлар айнан Муҳайёга қарата айтилгандек. Унинг бир куни саҳардан то кечгача эзгу меҳнат, таълим, ижод ва оилавий меҳр-муҳаббат билан тўла кечади.

Муҳайё Ўроқова сингари аёллар юртимизнинг ҳақиқий таянчи ва фахридир. Ҳам зурриёдларини одоби, ҳам ўқувчиларини билими, ҳам китобхонларни самимий сўзи билан бойитаётган бундай ижодкор ва меҳнаткаш ўқитувчимизга келгуси ижодий ҳамда педагогик фаолиятида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Мунира СУЛТОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Солиқлар давлат бюджетининг асосий манбаларидан бири бўлиб, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши жамият тараққиётига бевосита хизмат қилади.

Мажбурий ижро бюроси Жиззах шаҳар бўлими томонидан солиқ қарздорликларини камайтириш ва бюджетга тушумларни ўз вақтида таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бўлим томонидан олиб борилаётган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида асосан қарздорларнинг мулкини хатлаш, аукцион савдоларига чиқариш орқали кўплаб ижро ҳужжатлари ижроси таъминланмоқда. Хусусан, бўлим иш юритувида Жиззах вилояти солиқ бошқармасининг 12.06.2024 йилдаги қарорига асосан, қарздор "E F" МЧЖ ҳисобидан давлат фойдасига 169.150.297 сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган ва ижро иши қўзғатилган.

Ижро ҳаракатлари томонидан қарздор МЧЖнинг масъул ходимлари ушбу солиқ қарзини тўлаш бўйича бир неча маротаба огоҳлантирилган. Бироқ, қарздор МЧЖ солиқ қарздорликларини тўламаганлиги сабабли қарздорга тегишли Жиззах шаҳар, Бунёдкор МФЙ ҳудудида жойлашган нотурар жой биноси хатланиб, 1.648.300.000 млн. сумга баҳоланган ҳолда аукцион савдосига чиқарилди.

Келгусида ушбу МЧЖнинг солиқ қарздорликлари аукцион савдосидан тушган пул маблағлари ҳисобидагн қопланиши таъминланади.

Албатта, солиқ интизоми мустаҳкам бўлган жамиятда иқтисодий барқарорлик, тадбиркорлик ривожи ва фаровон ҳаёт учун мустаҳкам замин яратилади.

Ойбек ТОШПЎЛАТОВ,
МИБнинг Жиззах шаҳар бўлими давлат ижрочиси.

Эълонлар

04-01/1093 рақами билан 1992 йил 18 декабрда Осипьян Олинка Абрамовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
02-05/33 рақами билан 1993 йил 28 октябрда Ким Татьяна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
22-05/1802 рақами билан 2020 йил 30 июнда Бобожонов Санжар Бахтиёрович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
08-02/15725 рақами билан 2022 йил 11 мартда Холикулова Раъно Рустамовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади

Қутлов



1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси

устозларни, маърифат жонкуярларини касб байрамлари муносабати билан муборакбод этади.

Эълон

"Maxam-Chirchiq" aksiyadorlik jamiyati vakolatli omborlar tashkil qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi

"Maxam-Chirchiq" AJda ishlab chiqarilayotgan mineral o'g'itlar va boshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'rtasida teng raqobatbardoshlik jarayonining xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, Toshkent viloyati hududida korxona tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashga mo'ljallangan vakolatli omborlarni tashkil etish tanlov asosida o'tkazilishini e'lon qiladi.

Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish, tanlov asosida maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi.

Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega bo'lgan, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqaruvida alohida mol-mulkka ega bo'lgan hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konvertda 2026-yil 9-oktyabr soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi.

Vakolatli ombor tanlovida ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan talablar haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytiga joylashtirilgan (www.maxam-chirchiq.uz)

Ma'lumot uchun: Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Toshkent ko'chasi 2-uy.
Telefon: (99) 229-28-22, 851-10-08.
E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

Qishloq hayoti
MUASSISLAR:
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleksi tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLOMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV *(bosh muharrir o'rinbosari).*

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.
Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-1017. 2065 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Marks YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021
Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 21.20